



PREVENTING NON-COMPLIANCE WITH FIDUCIARY OBLIGATIONS IN STATE-OWNED ENTERPRISES OBLIGATIONS

Bo'tabayev Mehriddin Shaxobidinovich

Senior Researcher at the Research Center of the State Assets
Agency RUz, PhD, e-mail: mehr65@mail.ru, tel: +998901863946.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18780155>

ARTICLE INFO

Received: 19th February 2026

Accepted: 25th February 2026

Online: 26th February 2026

KEYWORDS

Fiduciary duties, enterprise with state participation, fiduciary, preventive measures.

ABSTRACT

A system should be created to prevent failure to fulfill fiduciary duties by members of corporate governance bodies of state-owned enterprises. This requires analyzing in advance cases of non-compliance with fiduciary obligations and implementing preventive measures to change the conditions that allow these situations to occur.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ФИДУЦИАР МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНМАСЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бўтабаев Меҳриддин Шаҳабидинович

ЎЗР Давлак активлари агентлиги Тадқиқотлар маркази етакчи илмий ходими,
ф.-м.ф.н., e-mail: mehr65@mail.ru, тел: +998901863946.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18780155>

ARTICLE INFO

Received: 19th February 2026

Accepted: 25th February 2026

Online: 26th February 2026

KEYWORDS

Фидуциар мажбуриятлар, давлат иштирокидаги корхона, фидуциарий, профилактик тадбирлар.

ABSTRACT

Давлат иштирокидаги корхоналар корпоратив бошқарув органлари аъзолари томонидан фидуциар мажбуриятларнинг бажарилмаслигини олдини олиш тизими яратилиши керак. Бунинг учун фидуциар мажбуриятларга риоя қилмаслик ҳолатларини олдиндан таҳлил қилиб, ушбу ҳолатларга йўл қўювчи шароитни ўзгартириш бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ-1097-сон қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, унга мувофиқ акциядорлик жамияти

(кейинги ўринларда – АЖ) кузатув кенгаши аъзоларининг, АЖ директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг фидуциар мажбуриятлари белгиланди. Ушбу Қонун таърифланишидан келиб чиқиб фидуциар мажбуриятларнинг мазмунини кўриб чиқайлик.



Фидуциар мажбурият №1:
вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланиш.

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, фидуциарий жамият ва акциядорларнинг манфаатларига энг кўп даражада мос келувчи масалаларнинг муҳокама қилинишига олиб чиқиши, корпоратив бошқарув органлари йиғилиш(мажлис)ларида жамият ва акциядорларнинг манфаатларига энг кўп даражада мувофиқ келадиган таклифларни қўллаб овоз бериши керак. Фидуциарийнинг виждонан ҳаракат қилиши мажбурияти ўз вазифаларини амалга ошириш учун етарли вақт ажратиши, ҳужжатларни муфассал ўрганиши ва ўзига ишониб топширилган соҳани қаттиқ назорат қилишини англатади. Бунда қуйидагича фидуциар мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

1.1. Жамият ҳужжатлари билан юзаки танишиш. Ушбу ҳолатда фидуциарий жамиятнинг молиявий ва номолиявий ҳисоботларини ўта эътиборсизлик билан саёз даражада ўргангани, жамият устави ва асосий низомлари мазмуни билан таниш бўлмайди. Натижада, корпоратив бошқарув органлари бирор масалани муҳокама қилганда ва қарор чиқарганда фидуциарий объектив фикр билдиrolмайди.

1.2. Жамият корпоратив бошқарув органлари йиғилиш(мажлис)ларида пассив

иштирок қилиш. Ушбу ҳолатда фидуциарий узли сабабсиз корпоратив бошқарув органлари йиғилиш(мажлис)ларида иштирок қилмайди, иштирок қилганда ҳам масалаларнинг муҳокамасида иштирок қилмайди, ўз мустақил позициясини билдирмайди ёки кун тартибига масала киритишда ташаббус кўрсатмайди.

Фидуциар мажбурият №2:
жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик.

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, жамиятнинг мол-мулки, маблағлари ва ресурслари фақат жамият манфаатлари йўлида ишлатилиши шарт. Мансабдор шахснинг жамият манфаатлари йўлида ўз вазифасини бажариши зарурати билан жамиятнинг мол-мулки, маблағлари ва ресурсларидан фойдаланиши белгиланган тартибда асосланиши ва қарор қабул қилинган бўлиши лозим. Фидуциарий корхона мулкидан ўз шахсий манфаати йўлида шартнома расмийлаштирган ҳолдагина пулли асосда фойдаланиши мумкин бўлиб, бунда афилланган шахс билан тузиладиган битимларга нисбатан талаблар қўйилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай шаклда жамият мулкидан фидуциарийнинг фойдаланишига йўл қўйилмаслиги керак. Бунда қуйидагича фидуциар



мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

2.1. Хизмат машинасидан шахсий мақсадда фойдаланиш. Жамият директориға хизмат машинаси берилади. Ушбу машина жамиятнинг уставига кўра фақат хизмат сафарлари ва иш фаолиятида қўлланилиши керак. Агар директор уни шахсий дам олиш сафарларига, оила аъзоларини ташишга ёки шахсий ишларига ишлатса — бу фидуциар мажбуриятни бузиш ҳисобланади.

2.2. Жамият офисини шахсий бизнес учун ишлатиш. Кузатув кенгаши аъзоси жамиятнинг офис жойини ўзининг шахсий консалтинг фаолияти учун ижара ҳақисиз ишлатилиши ҳолатида у жамият мол-мулкидан шахсий манфаат йўлида фойдаланган бўлади ва акциядорлар манфаатларига зид ҳаракат қилади.

2.3. Бошқа шахсларга суиистеъмол қилишга йўл қўйиш. Агар раҳбар жамият техникасини дўстига шахсий мақсадда ишлатишга рухсат берса, бу ҳам мажбуриятни бузиш ҳисобланади. Чунки раҳбар нафақат ўзи шахсий манфаат кўзламаслиги, балки бошқаларга ҳам шундай имконият бермаслиги шарт.

Фидуциар мажбурият №3: жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга

кўмаклашиш мақсадида фойдаланмаслик.

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, “corporate opportunity doctrine” деб аталадиган қоидага биноан фидуциарийлар жамиятнинг номоддий ва номолиявий характердаги, бироқ бизнес юритиш учун яхши устунлик берадиган имкониятларидан нахсий манфаатлари учун фойдаланмаслиги керак. Бунда қуйидагича фидуциар мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

3.1. Жамият инвестиция олиш имкониятидан фойдаланиш. Жамият ва потенциал инвесторлар ўртасида инвестиция киритиш юзасидан олиб борилаётган музокаралар тафсилотларига (инсайдерлик ахборотиға) эга бўлган ҳолда жамиятга инвестиция киритишга мойил бўлаётган инвестор диққатиға фидуциарий ўзига қарашли бўлган фирмани тақдим қилиши фидуциар мажбуриятнинг бузилишига олиб келади. Гарчики, бунда жамиятга бевосита зарар келтирилмаган бўлсада, фидуциарий ушбу инвесторни топиш, у билан музокара олиб бориш ва дастлабки келишиш юзасидан жамиятнинг бошқа ходимлари олиб борган катта ҳажмдаги ишларини чиппака чиқаради, ва тайёр ахборотдан ўз манфаати йўлида фойдаланади.

3.2. Жамиятнинг тендер ёки шартнома олиш имкониятидан фойдаланиш. Жамиятнинг тендерга иштирок қилиш жараёнида жамият таклиф қиладиган нарх ва сифат кўрсаткичлари бўйича тижорат сиридан воқиф бўлган фидуциарий



ўзига қарашли бўлган бошқа корхонани ушбу тендерга иштирокини нисбатан пастроқ нарх ёки бошқа устун таклиф билан иштирок қилишини ташкил қилиши мумкин.

3.3. Жамиятнинг интеллектуал ресурсларидан фойдаланиш. Фидуциарий жамият лойиҳа-режалаштириш департаментига маълум бир бизнес-лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини беради, лойиҳа таёр бўлганда уни чиқитга чиқаради, ва лойиҳа-режалаштириш департаментига бошқа лойиҳа тайёрлаш юзасидан топшириқ беради. Шу вақтнинг ўзида, фидуциарий тайёр бизнес-лойиҳани ўзига қарашли бўлган фирмада ҳуфёна амалга оширади.

Фидуциар мажбурият №4: жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмаслик.

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, фидуциарий жамиятдан ташқари бошқа компанияларда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришдан олдин жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигини олиши талаб қилинади. Бундай рухсат олиниши талаб қилинмаслиги учун фидуциарий бошқа компанияларда амалга ошироқчи бўлган тадбиркорлик фаолияти соҳаси ушбу жамият асосий фаолияти йўналишлари олиб бориладиган соҳадан йироқ эканлигига ишонч ҳосил қилиши, шубҳали ҳолатларда

ҳуқуқшунослар ёки бошқа турдаги экспертларнинг хулосасини олиши лозим бўлади. Бунда қўйидагича фидуциар мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

4.1. Компания хизматлар бозорида маълум бир хизмат турларини сотишда катта муваффақиятга эришаётгани ва хизмат бозорини ушбу секторининг келажаги истиқболли бўлиши кутилаётганини кўрган жамият кузатув кенгаши аъзоси бундай хизмат турларини таклиф қилувчи шахсий корхонани ўғли номидан ташкил қилди, яъни, ўзи фидуциарий бўлган жамиятга рақобат қилиши мумкин бўлган корхонани ташкил қилди. Шу билан бирга, кузатув кенгашининг аъзоси бундай ҳатти-харакатларни амалга ошириш учун рухсат сўраб кузатув кенгашига мурожаат қилмади, ушбу ҳолатни жамиятдан сир тутди ва ўз фидуциар мажбуриятларини бузди.

4.2. Информацион технологиялар бозорида компаниялар учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниянинг бош программистига дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчи рақобатчи бошқа компаниядан маслаҳатчи бўлишга таклиф тушди. Бош программист асосий иш жойидан ташқари вақтда маслаҳатчи бўлишга рози бўлди ва бу ҳақида тегишли бошқарув органларини огоҳ қилмади. Бош программист ўз компанияси ишлаб чиқараётган дастурий маҳсулотларнинг барча устун ва заиф томонларини яхши билгани учун рақобатчи компания дастурий



махсулотлари рақобатбардошлигини сезиларли яхшилаш оладиган маслахатлар бериши мумкин бўлиб, маслахатчи сифатида олиббарадиган фаолияти унинг фидуциар мажбуриятларининг бузилишига олиб келади.

4.3. Компания мамлакатнинг маълум бир махсулотлар бозорида 34,9 фоиз улушга эга. Ушбу мамлакатнинг монополияга қарши қонунларига биноан товар ишлаб чиқарувчи бозорда 35 фоиз улушга эга бўлган корхона монополист, ҳамда бундай корхоналар фақат тан нарх харажатларининг 10 фоизи даражасида устама қўйиб фойда олиши мумкин. Агар компаниянинг ҳозирги ҳолатида махсулот анча юқорироқ эркин нархларда сотилаётган бўлса, у ҳолда у ишлаб чиқаришини кенгайтириб, бозорда 35 ва ундан фоиз улушга эга бўлиб қолишдан манфаатдор бўлмайди. Ушбу ҳолда фидуциарий тегишли бошқарув органига корхона махсулотига рақобат қиладиган махсулот ишлаб чиқариши режалаштирилган бошқа корхона ташкил этишга рухсат сўраб мурожаат қилганда, корхона фаолиятининг ушбу йўналишида кенгайтиришига манфаатдор бўлмаган жамият бундай рухсатни бериши мумкин. Бундай вазиятда фидуциар мажбуриятлар бузилмайди.

Фидуциар мажбурият №5: қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик.

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, жамият фаолияти, ҳолати ёки режалари тўғрисида айрим ахборот турлари катта тижорат аҳамиятига эга бўлиши мумкин бўлиб, уларнинг қасддан ёки тасодифан ошкор қилиниши жамиятга катта зарар етказиши мумкин. Бундай ахборот турлари корпоратив ахборот сиёсатида мувофиқ махфийлаштирилади ҳамда бундай ахборотни ошкор қилмаслик мажбурияти масъул шахслар зиммасига юклатилади. Бунда қуйидагича фидуциар мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

5.1. Махфий маълумотларни рақобатчига бериш. Корхона ходими корхона мижозлари ҳамда уларга хизмат кўрсатиш нархлари каби тижорат сирларини рақобатчи компанияга пул эвазига тақдим қилди. Эндиликда рақобатчи компания яширин тарзда корхонанинг барча мижозларига мурожаат қилиб арзонроқ нархда хизмат кўрсата олишини етказиши, ва оқибатда мижозларнинг бир қисми корхонанинг рақобатчисига ўтиб кетиши мумкин. Шуниси муҳимки, ушбу ҳолда фидуциарий бўлиб корхона раҳбар ходими эмас балки оддий ходими бўлиши мумкин. Демак, хизматчилик юзасидан махфий ахборотга эга бўлган ҳар қандай ходим корхонага нисбатан фидуциар мажбуриятларга эга бўлиши мумкин экан.

5.2. Жамият ички қоидаларида махфий маълумотни фақат белгиланган шахсларга ошкор қилиниши қоидасининг четлаб



ўтилиши. Жамият бизнес-режасида муҳим тижорат сирлари акслантирилиши мумкин. Шунинг учун, унинг тўлиқ версияси билан фақат санокли раҳбар ходимлари танишишлари мумкинлиги ички норматив сифатида тасдиқланган Корпоратив ахборот билан ишлаш қоидаларида белгиланган бўлсин. Корхона молиявий директори бизнес-режанинг тўлиқ версияси билан танишиш ваколатига эга. Бироқ, кундалик вазифалардан ташқари шахсан бизнес-режа билан ишлашга молиявий директорнинг вақти бўлмагани учун, у бу ишни молия хизматидаги кичик мутахассисга юклайди ва унга ишлаш учун бизнес-режанинг тўлиқ версиясини беради. Агар молиявий директор Корпоратив ахборот билан ишлаш қоидаларида кичик мутахассисни ҳам бизнес-режанинг тўлиқ версияси билан ишлашга ваколатли лавозим сифатида қабул қилиниши юзасидан ўзгартиришларни таъминламаган бўлса, у фидуциар мажбуриятларига зид иш қилган ҳисобланади.

Фидуциар мажбурият №6: ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкий манфаатдор бўлмаслик

Ушбу фидуциар мажбуриятнинг мазмуни шундан иборатки, фидуциарий ўз вазифаларини бажарганлиги учун тақдирлов пулини олиши мумкин, бироқ ушбу вазифаларни бажариш билан боғлиқ

қарор қабул қилиши фақат жамият манфаатини кўзлаб амалга оширилиши мумкин. Фидуциарий қабул қилган қарори учун эмас, балки қабул қилган қарори натижасида йил якуни бўйича олинган қўшимча моддий самара учун тақдирланиши мумкин. Бунда қуйидагича фидуциар мажбуриятнинг бузилишига оид ҳолатларни мисол қилиш мумкин:

6.1. Рақобатчи ёки контрагентдан совға қабул қилиш. Харидлар бўйича ўтказиладиган тендерда қарор қабул қилишда иштирок қилувчи директор иштирокчи компаниядан қимматбаҳо совға ёки пул қабул қилиши унинг фидуциар мажбуриятларининг бузилишига олиб келади.

6.2. Шахсий манфаат учун овоз бериш. Кенгаш аъзоси жамият манфаатига зид бўлса ҳам, ўз шахсий бизнеси ёки қариндошининг манфаати учун қарор қабул қилиши.

6.3. Шартнома тузишда моддий манфаат олиш. Масалан, раҳбар жамият номидан шартнома имзолар экан, контрагентдан шахсий ҳисоб рақамига “комиссия” олиши.

Юқоридаги ҳолларни вазиятий таҳлил қилиш ва фидуциар мажбуриятларнинг бузилишига имкон берувчи шароитни бартараф қилиш, профилактик тадбирлар сифатида давлат иштирокидаги корхоналарда фидуциар мажбуриятларга риоя қилинмаслигини олдини олишда катта самара берар эди.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон.